

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

Есинкулова Нафиса

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика

университети 2 курс магистранти

Глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий соҳаларига катта таъсир қўрсатиб келмоқда. XXI аср тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври сифатида, улар ҳаётнинг деярли барча соҳаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши ахборот маконининг глобаллашуви, бутун жаҳон ривожига таъсир қўрсатган ва қўрсатаётган омил сифатида эътироф этилади. Ҳозирги кунда жамият ҳаётида ахборотнинг роли тобора ортиб, таъсир доираси кенгайиб бормоқда. Замонавий давлатларда ахборот коммуникация воситалари ижтимоий реалликнинг муайян элементига айланиб бормоқда. Замонавий ахборот технологияларнинг вужудга келиши эса, янгича ахборот маконининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Бутунги кундаги жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган глобаллашув замонида ҳаётимизнинг бирор бир жабхасини: бу ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳалар бўладими, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўладими, уларнинг бирортасини ҳам оммавий ахборот воситалари маҳсулотисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Глобаллашув жараёнларининг кечишини ҳам ахборот оқимлари орқали кузатиш мумкин. Турли геостратегик ва геосиёсий манфаатларни рўёбга чиқариш мақсадида ахборотдан таъсир этиш воситаси сифатида фойдаланиш ҳаракатлари ҳам қучайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида ахборот хавфсизлигини таъминлаш заруратини юзага келтирмоқда. Умумжаҳон хавфсизлик тизими жадал суръатларда шаклланаётган шароитда, халқаро жамоатчилик ўзаро алоқаларнинг анъанавий ҳарбий - қуч ишлатиш услубларидан ахборот ва коммуникация технологиялари катта аҳамият касб этувчи янги фундаментал моделга босқичма-босқич ўтиб бораётганлиги ҳолати кузатилмокда.

Ахборот технологиялари, глобал оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ҳамда бошқа теле ва радиоэшилтириш манбаларининг фаолияти ва тез ривожланиши маҳсули сифатида, XXI асрнинг қудратли ғоявий-сиёсий

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

феноменига айланиб бормоқда ва халқаро майдондаги турли субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янги моделини яратишида устувор ролга даъвогарлик қилмоқда<sup>1</sup>. Хавфсизликнинг ахборот омилига боғлиқ бўлган янги мезонлари ва таркибий қисмлари, турли хил субъектларнинг ўзаро муносабатларига тегишли ўзгартиришларни киритган ҳолда, халқаро фаолият услубини кескин ўзгартирумокда.

Халқаро муносабатларнинг мазкур хусусиятини таъкидлар экан, биринчи Президентмиз И.А.Каримов, жумладан шундай деган эди: «Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади»<sup>2</sup>.

Жаҳон ҳамжамияти давлатларининг глобал ахборот ҳамжамиятияни шакллантириш бўйича фаолиятларининг ўзаро келишилган ҳолда амалга ошириш ҳозирги даврнинг хусусиятли тенденцияларидан биридир.

XXI асрда инсоният тараққиётининг асосий тенденцияларидан бири ахборот-коммуникация технологияларининг жамиятдаги барча жабҳаларида қўлланилиши ва унинг негизида ахборотлашув жараёнининг ривожланиши ҳисобланиб, бу масала бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Замонавий ахборот коммуникация технологияларининг имкониятлари чексиз, у шиддат билан ривожланмоқда, уни жорий қилиш масаласи мамлакат стратегик вазифасининг устувор йўналишига айланмокда. Ахборот, ахборот айланиши, ахборотлашув, ахборот хуружи, ахборот хавфсизлиги каби сўзлар эса кундалик ҳаётда тобора кўпроқ учрамоқда.

Ахборот таҳдидининг мазмун-моҳияти, жамият тафаккурига таъсир кўрсатиб, кишилар устидан бошқарувни қўлга олишдан иборатдир. Ахборот хуружида бошқарув идораларининг ҳаракатини бузиш, фаолиятини астасекин издан чиқариш, мамлакатга тазиик ўтказишни назорат қилиб бориш мақсадлари белгиланади. Мамлакатимиз ҳам шундай таҳдидлардан ҳоли бўлмаганлиги сабабли, юртимизга кириб келаётган ахборотларни фильрлаш, нохолис ахборотлар оқимини камайтириш, кишиларга, айниқса

<sup>1</sup> Sanaqulov, A. N. Prospective Directions of Effective Use of Virtual Technologies in Increasing the Power of Youth. JournalNX, 897-903.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин.7-Жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999. – 98-бет.

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

ёшларга ахборотдан келдиган маънавий-руҳий зарбалардан асраш каби масалалар ўта муҳимдир.

XXI аср дунё цивилизациясида жамиятнинг глобал ва ахборот хусусиятларининг устун келиши билан характерланади. Миллий сиёсатлар ва иқтисодиётларнинг яқинлашуви ва бир-бири билан ўзаро боғланиб бориши борган сари глобал масштабни олмоқда, шу билан бирга бу жараёнлар ахборот-коммуникация технологияларининг кескин ривожланишига таъсир кўрсатиб, уларни интеграциялашаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг турли жабҳаларини ҳам қамраб олмоқда.

Глобал тармоқ ҳисобланган Интернетнинг ривожланиши ўз навбатида компьютерлаштириш, ахборотлаштириш ва глобаллашув жараёнларининг маҳсули ҳисобланади<sup>3</sup>. Бундай шароитда глобаллашув жаҳонда ягона ахборот маконини тўлиқ шакллантиришни ҳамда халқаро ҳуқуқий ва маданий-ахборот майдонини, ўзига хос бўлган минтақаларро ва ахборот алмашуви бўйича инфраструктурани барпо этишни тақозо этмоқда<sup>4</sup>.

Халқаро миқёсдаги ахборот хавфсизлиги «жаҳон барқарорлигига ва ахборот маконида давлат ва халқаро ҳамжамиятга таҳдид туғдиришни инкор этувчи халқаро муносабатлар ҳолати сифатида таърифланади»<sup>5</sup> Ахборот хавфсизлигини қуидаги таърифлаш мумкин: Бу социум ҳолати бўлиб, бунда давлат, жамият ва шахсга нисбатан ахборот маконидаги тартибли ва стихияли равишда вужудга келдиган ахборот оқимлари орқали бўладиган таҳдиддир. Шундай социум ҳолатида давлат, жамият ва шахс манфаатларини бундай таҳдидлардан ҳимояси мавжуд бўлади.

Ахборот хавфсизлигининг таркибий қисмлари сифатида қуидагиларни айтиб ўтса бўлади:

- 1) ахборот маконининг хавфсизлиги ҳолати, бу ҳолатда у давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатлари йўлида шаклланади ва ривожланади;
- 2) ахборот инфраструктураси хавфсизлиги ҳолати, бу ҳолатда ахборот ўз мақсадига биноан аниқ ишлатилади ва ишлатилиш чоғида тизимга негатив таъсир кўрсатмайди;

<sup>3</sup> Sapayevich J. X. OPPORTUNITIES OF CENTRAL ASIAN STATES IN THE SYSTEM OF INTERNATIONAL GEOPOLITICAL RELATIONS //World Bulletin of Social Sciences. – 2022. – Т. 9. – С. 129-131

<sup>4</sup> Гриняев С. Глобализация и информационная безопасность. // «Красная звезда», 2002 йил, 22 ноябр.

<sup>5</sup> БМТ Бош Ассамблеяси хужжати Миллий ва халқаро хавфсизликка бўлган ахборот таҳдидлари.- А/55/40, 2000 й., июл; А/55/140/АсШ, 2000 й., октябр

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

3) ахборотнинг ўзини хавфсизлиги ҳолати, бу ҳолатда унинг пинҳонийлиги, бутунлиги, қулайлиги каби хусусиятларининг бузилиши анча қийинлашади ёки умуман бузилмайди. Охирги ўн йилликда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб амалга оширилаётган жиноятлар, айниқса ёшлар орасидаги сони бошқа турдаги жиноят турларга нисбатан бир қанча прогрессив ўсиши кузатилмоқда.

Биринчидан, бундай жиноятлар уларни содир этаётган шасхларга айтарлик кичик ҳаражатлар эвазига жуда катта миқдорда фойда келтирмоқда.

Иккинчидан, уюшган жиноятчилик групкалари ва жиноятчи элементлар жиноий мақсадларни амалга оширишда ва ўзларини хавфсизликларини таъминлаш учун давлат ва бизнес структураларининг махфий ахборотлариға қизиқиш билдирилмоқдалар.

Учинчидан, ахборот коммуникация технологиялари соҳасидаги жиноятлар, жумладан кибержиноятчилик жаҳон ҳамжамияти миқёсидаги ижтимоий-хуқуқий аҳамиятга эга бўлган кўп омиллар билан боғлиқ. Борган сари кучайиб келаётган глобаллашув шароитида ахборот соҳаси нафақат ҳалқаро ҳамкорлик аренасига, балки шу билан бирга қарши таъсир ва қарши харакатлар майдонига ҳам айланиб бормоқда, ва бу борада фаоллашиб келаётган ҳалқаро терроризмнинг потенциал ўсиши гувоҳ бўлиши мумкин. XXI аср глобаллашув шароитида инсоният тараққиётининг асосий тенденцияларидан бири ахборот-коммуникация технологияларининг жамиятдаги барча жабҳаларида қўлланилиши ва унинг негизида ахборотлашув жараёнининг ривожланиши ҳисобланиб, бу масала бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда ахборотлар турли хил, яна бу ахборотларнинг инсонларга етказиб бериш усуллари ва воситалари ҳам турличадир. Лекин бу келаётган ахборотларни қабул қилиш ёки қилмаслик, улардан тўғри хулоса чиқариш ёки фойдаланиш кабилар инсон психикасига боғлиқ бўлади. Демак, ахборот хавфсизлигини таъминлаш факат ёвуз ниятили кишиларнинг кирдикорларидан ҳимоялашдангина иборат эмас, балки бунда тасодифий ва айтайлик табиий характерга эга бўлган эҳтимолий таъсирлардан, шунингдек фойдаланувчилардан ва хизмат қўрсатувчи ходимларнинг тасодифий хатоларидан ҳимояланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.